

# Zarafshon

Fidoyilik – Vatanga xizmat demak!

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

2022-yil 19-iyul, seshanba,
82 (23.649)-son

www.zarnews.uz https:/www.facebook.com/zarnews.uz @zarnews_uz https:/twitter.com/zarnews_uz


**КУН ҲИКМАТИ**

Оқил инсон учун баҳслашувда ютқазиш эмас, балки нотўғри, арзимас мавзуда баҳсга киришнинг ўзи мағлубиятдир

*Самарқанд вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ*

# Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг олтинчи чақириқ олтмиш саккизинчи сессиясини чақириш тўғрисида

*"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан* **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг олтинчи чақириқ олтмиш саккизинчи сессияси **2022 йил 22 июль куни соат 8:00 да** чақирилсин.

2. Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

- Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясининг вилоятдаги ижроси юзасидан вилоят ҳокимининг ўринбосари, оила ва хотин-қизлар масалалари бошқармаси бошлиғи, халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича ҳудудий комиссияси раиси ўринбосари З.Раҳмонованинг ахбороти;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 апрелдаги "2022-2026 йилларда Самарқанд вилояти ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 222-сонли қарори ижроси юзасидан вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари в.в.б. Ф.Абиловнинг ҳисоботи;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа давлат дастурлари ижроси устидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-43-сонли қарорининг ижроси юзасидан вилоят қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бошлиғи в.в.б. Ш.Алимовнинг ҳисоботи;

- вилоятда давлат ва маҳаллий бюджет даромадлари прогноз кўрсаткичларининг жорий йил биринчи ярим йиллик ижроси юзасидан вилоят молия бош бошқармаси бошлиғи Б.Мирзаевнинг ҳисоботи;

- Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг Самарқанд вилоят маҳаллий бюджетининг 2021 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботи юзасидан вилоят молия бош бошқармаси бошлиғи Б.Мирзаевнинг ахбороти;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги "Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-5117-сонли қарорининг ижроси бўйича вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ш.Султоновнинг ҳисоботи;

- вилоят ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи Ш.Байхўрозовнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 4 апрелдаги "Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-190-сонли қарори ижроси юзасидан ҳисоботи;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 ноябрдаги "Ургут" эркин иқтисодий зонаси фаолиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-5278-сонли қарори асосида "Ургут" эркин иқтисодий зонаси учун ажратилган янги ҳудудларнинг бош режаларини кўриб чиқиш тўғрисида;

- вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисида.

**Вилоят ҳокими Э.ТУРДИМОВ**

*2022 йил 15 июль*

# ТИЗИМ ИШЛАМАСА, МУАММОЛАР ТУГАМАЙДИ

**16 июль куни вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида маҳаллий Кенгашлар депутатларининг қабули бўлиб ўтди.**

Хусусан, вилоят Халқ қабулхонасида вилоят Кенгаши депутатлари жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини тинглади.

- Ўғлим оғир хаста, ривожланишдан тўхтаб қолган, - дейди Самарқанд шаҳрида истиқомат қилувчи К.Раҳматова. – Ҳеч ким унинг касалига аниқ бир ташхис қўя олмаяпти, шифохонама-шифохона юриб, сарсон бўлдик. Баъзи шифокорлар "Самарқандда даволаб бўлмайди, хорижга олиб бориш керак", деяпти. Оилавий шароитим оғир. Бунга имкониятим йўқ. Умид билан депутатлар қабулига келдим.

Ҳududдан вилоят Кенгашига сайланган депутат Шоҳрух Жўрақулов мурожаатчини тинглаларкан, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси мутасаддилари билан масалани муҳокама қилди. Ўрганиш натижасига кўра, мурожаатчининг фарзанди вилоят болалар кўп тармоқли шифохонасида бепул даволанадиган бўлди. Қайд этилишича, бугун ҳар қандай касалликни вилоятимизда даволаш учун барча зарур шароитлар бор.

Самарқанд туманининг Қуйи туркман маҳалласида истиқомат қилувчи Ж.Хидиров қабулга оиласи учун субсидия асосида уй-жой ажратилишини сўраб келди. Айтишича, хотини ва фарзандлари билан ижарада яшаб келмоқда. Тегишли ташкилотларга қилган мурожаатлари инобатга олинмаган.

Депутатлар фуқаронинг масаласи, шунингдек, мутасаддиларнинг унинг мурожаатларига муносабати батафсил ўрганиб чиқилишини маълум қилишди.

Айтиш жоизки, қабулда рўйхатга олинган мурожаатларнинг аксарияти аввалроқ ҳам қатор масъул идораларга юборилгани, бироқ бир ёқлама кўриб чиқилиб, жавоб берилгани маълум бўлди. Депутатлар мурожаатларни назоратга олишда масаланинг айни жиҳатини ҳам эътибордан четда қолдиришмади.

- Ижро ҳокимиятида барча тизим талаб даражасида ишламаса, аҳоли мурожаатлари камаймайди, аксинча, кўпайишда давом этади, - дейди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Азиз Аҳроров. – Шу боис биз муаммо билан эмас, унинг келиб чиқиш сабаби билан курашишга кўпроқ эътибор беришимиз керак. Депутатлар билан мазкур масалани сессия муҳокамасига киритиш, "кун ўтиши учун" ишлаётган раҳбарлар фаолиятини таҳлил қилиш ҳамда қонуний чоралар белгилашга келишиб олдик.



Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари қабулида 100 га яқин мурожаат рўйхатга олинди. Уларнинг бир қисмига шу ернинг ўзида ечим топилган бўлса, қолгани депутатлар назоратига олинди.

* * *

Нарпай туманида депутатлар қабули давомида Аҳиллик маҳалласидан бандлиги таъминланишини сўраб келган Феруза Сафаровага тикув машинаси берилди.

Булунғур туманида ҳам илк бор ташкил этилган халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари қабулида ҳар бир мурожаат шу жойнинг ўзида манфаатдор ва масъул ташкилотлар мутасаддилари иштирокида ўрганилиб, зарурий вазифалар белгилаб олинди.

Қабул давомида маиший газ баллони, электр таъминоти, моддий ёрдам, уй-жой ва банк кредити масалаларида 50 дан ортиқ мурожаатлар келиб тушган.

Паст Дарғом туманида тушгача ичимлик суви, йўл таъмири, уй-жой ва бошқа масалаларга доир 30 га яқин мурожаат қабул қилиниб, бир қисми шу ернинг ўзида, масъул ташкилотлар иштирокида ижобий ҳал қилинган бўлса, қолганлари ўрганиб чиқиш учун назоратга олинди.

**Асқар БАРОТОВ.**

# АНОМАЛ ИССИҚДАН ҲИМОЯЛАНИНГ!

**Ҳафта бошида республика ҳудуди бўйича ҳаво ҳарорати 38–43 даража иссиқ атрофида, жанубда ва чўл ҳудудларда 44–45 даражагача иссиқ бўлади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида иссиқ кучаяди ва 21–23 июль кунлари кундузи ҳарорат 43–45 даража шимолда, жанубда ва чўл ҳудудларда 47 даражагача кўтарилади.**




Жазирама иссиқда инсон тана ҳарорати 37,1 градусдан кўтарилиши ёки тана ҳарорати 38,8 градусга ошиб, инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу билан бирга, инсон тана ҳароратининг кўтарилиши тананинг қизаришига ва кучли чанқоққа сабаб бўлади. Кейинчалик ҳушдан кетиш, нафас қисиши ва юрак тўхташига олиб келиши мумкин.

Иссиқ кунларда қуйидагиларга риоя этиш лозим:

- соат 12:00 дан 16:00 гача кўчага чиқмаслик ва офтобда юрмаслик;

- сув истеъмол ҳажмини кўпайтириш керак. Бунда организмнинг сув танқислигини тўлдириш учун газланган ёки нектар сув эмас, аксинча, оддий ичимлик сувини истеъмол қилиш ва сурункали касаллиги мавжуд бўлса, шифокор тавсиясига риоя этиш лозим;

- қишлоқ жойларида истиқомат қилсангиз, соябон, шийпонлардан, шунингдек, деразалар учун қалин пардалардан фойдаланган маъқул;

- кўпроқ душ қабул қилиш ва сув хона ҳароратидай бўлиши керак. Муздек сув билан ювиниш тана ҳарорати кескин ўзгариши натижасида пневмония касаллигига олиб келади;

- иссиқда оч рангдаги, ҳаво ўтказувчи (иложи бўлса, пахта хомашёсидан) кийим ва бош кийимлардан фойдаланиш тавсия этилади;

- кўпроқ ўртача совуқликдаги таомлар истеъмол қилиш, ёғли сут ва гўшт маҳсулотларини истеъмол қилмаслик тавсия этилади. Қуёш нури тушиб турган ҳамда истеъмолга яроқлилик муддати ўтган маҳсулотларни истеъмол қилманг. Иссиқ кунда шифокорлар билан маслаҳатлашган ҳолда, қўшимча тузли маҳсулотлар, мева ва сабзавотлардан истеъмол қилинг;

- офтоб урмаслиги учун соя жойларда бўлинг. Офтоб урганда зудлик билан душ қабул қилинг ёки шамол бор жойга ўтинг ва аста-секин кўпроқ сув истеъмол қилинг;

- иссиқда алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш тавсия этилмайди, бу организмнинг умумий ҳолатига салбий таъсир этиши мумкин;

- эрталаб ва кечқурун кўпроқ ҳаракат қилинг. Иссиқ кунда кам ҳаракатлилик гипертония, юрак-томир касалликлари ва тромбоз ривожланишига олиб келади.

**Вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси.**

**Кун мавзуси**

# Янгиланаётган мажмуа

## диний, маърифий, маданий марказ бўлади

**Имом Бухорий мақбараси ислом олами учун табаррук зиёратгоҳлардан бири бўлиб, бугунги кунда мажмуа қайта қурилмоқда. Қарийб 10 минг намозхонга мўлжалланган масжид, тўртта минора, айвонлар барпо этиляпти. Мажмуа ёнида меҳмонхоналар, автотураргоҳ, автобекат, ошхоналар, савдо расталари, таҳоратхоналар қурилади.**

15 июль куни давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Самарқандга ташрифи давомида Имом Бухорий қабрини ҳам зиёрат қилди. Мажмуада амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди. Ўтган галги ташрифида берилган топшириқлари қай даражада бажарилаётганини кузатди. Зиёратчиларга барча қулайликларни, жумладан, Қуръон ва ҳадис каби муқаддас китобларни эркин ўқиб ўтиришлари учун шароитлар яратиш, мажмуага кираверишдагиларидан ташқари, ичкарироқда ҳам замонавий таҳоратхона қуриш, мақбарага кўтарилишда ногиронлик аравачасида келадиган зиёратчилар учун пандусли йўлаклар барпо этиш ва бошқа масалалар бўйича қўшимча кўрсатмалар берди.

– Иншооллоҳ, бу мажмуа очилганидан кейин зиёратчилар янада кўпаяди. Айниқса, нуронийлар кўп келади. Улар учун барча қулайликларни инобатга олиш керак. Бу жой нафақат диний ва маърифий, балки улкан маданий марказ ҳам бўлиши зарур. Шу боис энг яхши гулчиларни олиб келиб, мажмуани қишин-ёзин гулзор қилиб қўйиш керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Янгиланаётган мажмуа зиёрат туризмининг йирик марказларидан бирига айланиши учун барча имкониятлар мавжудлиги, улардан самарали фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

**Маҳмуд ИБОДУЛЛАЕВ, Имом Бухорий масжиди фахрий имоми.**

**Янги ўқув йили учун мактаб формаси тикиш вилоятимиздаги 12 та тўқимачилик корхонасига юклатилган. Шунингдек, уларга 32 та қўшимча тикув корхоналари ёрдам бермоқда.**



*Баҳорги-кузги* | *Қишки*

# 44 та тикув корхонаси мактаб формаси тайёрламоқда

- Мактаб формаси ўқувчиларнинг ёшига қараб, 200 минг сўмдан 400 минг сўмгача бўлиши кўзда тутилган, - дейди вилоят халқ таълими бошқармаси маънавий-ахлоқий тарбия ва мактабдан ташқари таълим бўлими бошлиғи Акмал Олимов. – 1-6-синф болалар учун эркин, 7-11-синфгача бўлган ўқувчилар учун классик бичимда тайёрланяпти. Мактаб формаси ўғил болалар учун костюм, нимча, шим, қиз болалар учун костюм, нимча, юбкадан иборат.

Мактаб формаси учун ишлатилаётган мато Хитойдан бир метри 5 доллардан келтирилмоқда. Туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан айрим тикув корхоналари маълум мактабларга бириктирилган бўлса, айрим корхоналар ҳудудий эҳтиёждан келиб чиқиб, мактаб формалари тайёрламоқда.

Бу йилги мактаб формалари кам таъминланган, шунингдек, "Аёллар", "Ёшлар", "Темир" дафтарларга киритилган оила фарзандларига ҳокимликлар томонидан бепул берилади. Вилоятимизда бундай ўқувчилар сони 60 мингдан зиёд бўлиши ҳисобланган.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан, мактаб ярмаркалари аҳолига қулай бўлган туман (шаҳар) марказларида 10 августдан ташкил этилади.

**Хуршида ЭРГАШЕВА.**

# Тест синовлари бешта очиқ майдонда бўлиб ўтади

**Жорий йилда вилоятимиздаги олий ўқув юртлари бакалавр таълим йўналишларига 103 минг нафардан ортиқ абитуриент ҳужжат топшириш кутилмоқда.**

Абитуриентлар Ягона интерактив давлат хизматлари портали my.gov.uz ҳамда Давлат тест марказининг my.dtm.uz сайтлари орқали 27 июль кунига қадар онлайн рўйхатга олинади.

Кириш имтиҳонлари вилоятдаги бешта очиқ майдонда икки навбатда бўлиб ўтади. Имтиҳонлар учун бир навбатда жами 5400 ўрин тайёрланмоқда.

Тест синовлари Самарқанд шаҳар "Локомотив" футбол стадиони (1200 ўрин), Сартепа массивидаги Самарқанд шаҳар 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби стадиони (1080 ўрин), Кимёгарлар шаҳарчасидаги "Нурафшон" футбол стадиони (960 ўрин), Самарқанд туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби футбол майдони (960 ўрин) ва Жомбой туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби футбол майдонида (1200 ўрин) ўтказилади.

Абитуриентларни киритиш ва шахсини аниқлашда шахсни идентификациялаш воситалари (видеофиксация, бармоқ изи сканери) дан фойдаланилади. Жараёнлар видеокузатув остида онлайн эфирга узатилган ҳолда ўтказилади ҳамда абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари тест синовларини телевидение ва https://test2022.uz/ сайти орқали онлайн кузатиб боришлари мумкин бўлади.

Таъкидлаш жоизки, саналар эълон қилинганидан кейин абитуриентларга онлайн тарзда рўйхатдан ўтиш учун фойдаланган телефон рақамига тест ўтказиш жойи тўғрисида СМС шаклида маълумот юборилади.

Абитуриентлардан рухсатномада кўрсатилган сана ва вақтдан камида 1-1,5 соат олдин паспорт ҳамда рухсатнома билан бирга тест синовлари ўтказиладиган ҳудудга келиш талаб этилади.

**Давлат тест маркази вилоят бўлими.**

# КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ: + ва –



**Кредит–модуль тизими илк бор Америка олий таълим муассасаларида қўлланила бошланган. Бугун бу тизим ривожланган давлатларда тўлиқ йўлга қўйилган. Масалан, Европа давлатлари олий таълим муассасаларида ECTS кредит–модуль тизими жорий этилган. Унинг афзаллиги шундаки, талаба олган академик билимлари тизимга аъзо мамлакатлар олий таълим муассасаларида тан олинади. Шу билан бирга, мазкур тизим аъзоларига талабаларнинг бошқа ОТМга ўқишини тиклаш, кўчириш ва тугатиш имкониятини беради.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси"га кўра, мамлакатдаги олий ўқув юртларининг 85 фоизи 2030 йилгача босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтиши режалаштирилган. Масалан, вилоятимиздаги деярли барча олий таълим муассасалари босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтмоқда. Уларда асосан ECTS кредит-модуль тизими жорий этилган.

Кредит-модуль тизими, бу – таълимни ташкил этиш жараёни бўлиб, ўқитишнинг модуль технологиялари жамланмаси ва кредит ўлчови асосида баҳолаш модели ҳисобланади. Уни бир бутунликда олиб бориш серқирра ҳамда мураккаб тизимли жараёндир. Кредит-модуль тамойилида иккита асосий масалага аҳамият берилади: талабаларнинг мустақил ишлашини таъминлаш ва улар билимини рейтинг асосида баҳолаш.

Бир сўз билан айтганда, кредит-модуль тизими талабани кўпроқ ўзи устида ишлашга, мустақил билим олишга жалб этади. Унинг афзалликлари ривожланган давлатларнинг олий таълим муассасаларида аллақачон ўз исботини топган. Хўш, бизда кредит-модуль тизими қандай йўлга қўйилган?

Zarnews.uz телеграм каналимизда талаба ва ўқитувчилар учун "Кредит-модуль тизими ҳақида фикрингиз қандай?" саволи билан сўровнома ўтказдик. Сўровномага 1604 киши овоз берган бўлса, улардан 24 фоизи "тизим жуда қулай", деган жавобни берган. 14 фоиз иштирокчи "бу бизга тўғри келмас экан", деган жавобга тўхталган, 30 фоизи эса "тизимга ҳали тайёр эмасмиз", деган жавобни белгилаган. Шунингдек, 15 фоиз иштирокчи аввалги тизимни маъқуллаган бўлса, 17 фоиз иштирокчи кредит-модуль тизимида дарс берилмаслигини билдирган.

Сўровнома натижалари шуни кўрсатмоқдаки, кредит-модуль тизими ўқитувчи ва талабаларнинг ярмидан кўпига маъқул келмаган. Балки бу тизимда таълим бериш биз учун янгилик бўлгани учун айримларга қийинчилик туғдираётгандир. Ҳали тизим камчиликлардан холи деб айта олмаймиз. Хўш, кредит-модуль тизими олий таълим муассасаларида қандай жорий этиляпти?

### "ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШЛАШГА ТЎЛИҚ ТАЙЁР ЭМАС"

**Худойназар ЮНУСОВ,
Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ректори, биология фанлари доктори, профессор:**

- Мамлакатимизда таълимни ташкил этишнинг бу замонавий усули жорий этилганига бор-йўғи 3 йил бўлди. Айни кунда республика олий таълим муассасалари Болонья кредит-модуль тизими асосида ўқитилмоқда. Жумладан, университетимизда ҳам шу тизим амалда.

Айтиш керакки, биз бу амалиётни тўғридан-тўғри ўзимизга жорий эта олмаймиз, ўзимизга мослаштирилган вариантини қўллашимиз мумкин. Кредит-модуль тизимида энг катта эътибор талабаларнинг мустақил таълим олишига қаратилган. Талабаларимизни эса мустақил ишлашга тўлиқ тайёр, деб айта олмаймиз. Дейлик, тизимда ўзлаштиришни 60/40 деб олайлик. Талабага 40 фоиз билимни профессор-ўқитувчилар беради, 60 фоизини эса талабанинг ўзи мустақил ўқиб, ўрганиши керак.

Назарий фанларни мустақил ўзлаштириш мумкиндир, аммо амалий фанларни мустақил ўрганиб бўлмайди. Ветеринария, даволаш ва биотехнологиялар соҳаси бўйича эса амалий фанлар кўпроқ. Ветеринария врачи бўлиш учун мустақил ўқиб, ўрганиш етарли эмас, амалиётда устозлар назоратида бўлиш ва ҳамма жараёнларда иштирок этиш муҳим.

Эски тизим бўйича профессор-ўқитувчининг ўзига хос йиллик юкламаси бўларди, йилига 800 соат ёки минг соат дарс ўтиши керак эди. Биз бу соатларни ҳозир кредит-модуль тизимида арифметик тарзда (битта кредит 30 соат) домлаларга юклама қилиб берсак, катта хато бўлади, чунки кредитни улар эмас, талабалар йиғиши керак.

Талаба бир семестрда 30 ва бир йил учун 60 кредит йиғиши керак. Кредитларнинг баҳолар кўрсаткичи ўртача олганда 2,6 дан юқори бўлиши лозим. Яъни, талабаларнинг бир йилда тўплаши лозим бўлган кредит миқдори 60 ни ташкил этади. Ўқув йили икки семестрдан иборат бўлса, талаба ҳар семестрда 30 кредит тўплаб бориши керак.

Бакалавриат дастури 3-4 йиллик бўлса, талаба бакалавр даражасини қўлга киритиши учун жами 180-240 кредит, 1-2 йиллик магистра¬тура дастурини тугаллаши учун эса 60-120 кредит тўплаши мажбурият ҳисобланади.

Қайсидир фан 4 кредит, баъзилари 8 кредит ва айримлари эса 2 кредитдан иборат бўлиши ҳам мумкин. Дейлик, дарс 60 соат бўлса, 2 кредит бўлиши мумкин. Лекин касалликларни ўрганадиган фанлар 8 ёки 10 кредит бўлиши, кредитлар тақсимоти айрим тушунмовчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

Бу тизим бизда энди жорий қилинди, 1 ва 2-курслар янги тизим бўйича ўқитиляпти. Замонавий ўқитишнинг энг илғор усули бўлгани сабаб баъзи тушунмовчиликлар бўлиши ҳам табиий жараён.

Мақсад - ўқитишни инновацион таълим технологиялари асосида олиб бориш, илмга талабгорларни мустақил изланишга, таълимга янгича муносабатда бўлишга ўргатиш, меҳнат бозори талабидан келиб чиқиб, чуқур назарий билимларни эгаллаш, амалий кўникмаларини шакллантиришдан иборатдир. Бу тизим талабанинг касбий ривожланиши ва камолотига йўналтирилган.

### ТАЛАБАЛАР НИМА ДЕЙДИ?

- Бизга шу йилдан бошлаб кредит-модуль тизими тўлиқ жорий этилмоқда, - дейди Самарқанд давлат чет тиллар институти талабаси Моҳиситора Мамаражабова. - Дарс соатларига қараб, кредит миқдори белгиланади. Етарлича кредит бали тўплолмаган талаба имтиҳондан ўтолмайди, яъни қарздор бўлиб қолади. Қарздор талабалар кейинги семестрда пул тўлаб, қайта имтиҳон топширади. Шунингдек, дарсга 10 дақиқа кечиккан талабага ўқитувчи платформа орқали "йўқ" деб қўяди, кейин уни ҳеч ким тузатолмайди. Агар талаба бир фандан 6-7 марта дарс қолдирса, платформа автоматик тарзда ёпилади. Сўнгра талаба декан рухсати билан "йўқ"ларни тузатиши керак.

- Менимча, олий таълим тизимидаги коррупцияни йўқотиш мақсадида кредит-модуль тизими жорий этиляпти, - дейди Самарқанд давлат тиббиёт университети талабаси Умар Насимов. - Кредит-модуль тизимида талаба ўқишдан ҳайдалмас экан, фақат қарздор бўлиб, қолган фанини бошқатдан топшириш учун пул тўларкан. Агар яна имтиҳондан ўтолмаса, унга яна имконият бериларкан. Аммо бу сафар кўпроқ пул тўлаб, имтиҳон топшираркан. Ўқишни битираётган талаба бир ёки бир неча фандан қарздор бўлса, то ўша фанлардан қайта имтиҳон топшириб, кредитни ёпмагунча унга диплом берилмайди.

### АЙРИМ ЎҚИТУВЧИЛАР ЯНГИ ТАРТИБДАН НОРОЗИ

Юқоридаги статистик таҳлиллардан ҳам кредит-модуль тизими ҳаммага бирдек ёқмаётганини билишимиз мумкин.

- Имтиҳонни дарс берадиган ўқитувчи олмаса, талаба ўқитувчини ҳурмат қилмайди, - дейди ўзини танитишни истамаган олий таълим муассасаси ўқитувчиси. - Аввалгидек дарсига кирмасам, ўқимасам, имтиҳондан ўтказмайди, деб қўрқмайди. Хуллас, кредит-модуль тизими бизга тўғри келмас экан.

Афсуски, орамизда ҳамон мана шундай эскича фикрлайдиган ўқитувчилар ҳам топилади. Сабаби, улар доим "имтиҳонда кўрасан" қабилида талабаларни қўрқитиб ўқитган. Энди эса таълим тизимига янгича тартиб жорий этиляпти. Аслида ўқитувчи талабани қўрқитиб эмас, дарсига қизиқтириб ўқитиши керак. Талаба ҳам ўз навбатида ўқитувчидан дарсни яхши ўтишини талаб қилиши лозим. Хорижий давлатларда талаба ўзи ёқтирган ўқитувчининг дарсини тинглайди, бунга имконият яратилган.

Шунингдек, ривожланган давлатларда ўқишга кириш эмас, аксинча, уни битириш жуда мушкул. Бир касбнинг етук мутахассиси бўлиш тинимсиз изланиш, билим ва интилишни талаб этади. Яқинда бир йигит Туркия олий таълим муассасаларидан бирига контракт тўловини тўлаб, ўқишга кирибди. Сўнгра ўқиш учун Туркияга кетибди. Орадан тўрт ой ўтгач, ўқий олмасдан, Ўзбекистонга қайтиб келибди. Ўртоқлари нега ўқишингни ташлаб келдинг, деб сўраса, "У ерда ўқиш осон эмас экан, дарсларни ўзлаштира олмадим", деб жавоб берибди.

Кредит-модуль тизими талабани ўз устида мустақил ишлашга жалб этади ва таълим тизимида коррупциянинг олдини олишга хизмат қилади. Агар талаба дарсларни ўқиб, ўзлаштириб бормаса, табиийки, қарздорлар сафидан жой олади. Хуллас, талаба аввалгидек домлани "кўндириб", баҳосини ололмайди. Бундай ислоҳотлар таълим тизимини ривожлантиришга ва олий таълим муассасаларида етук мутахассислар тайёрлашга қаратилмоқда.

**Хуршида ЭРНАЗАРОВА,
"Зарафшон" мухбири.**

# ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ КАФОЛАТИ БЎЛАДИ




**Бош қомусимизда давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Эътиборлиси, бу тамойиллар Конституцияга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар билан янада кенгайтирилиб, унга инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шахс ва унинг ҳаёти дахлсизлигини таъминлаш бўйича умумэътироф этилган нормалар жорий этилмоқда.**

Жумладан, Асосий қонуннинг 18-моддасида Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб, ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши белгиланган. Конституциявий қонун лойиҳасида мазкур моддани "Ўзбекистон Республикасида инсон ҳамда фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда мазкур Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсоннинг қадр-қиммати, асосий ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз, ажралмасдир ва улар ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади", жумлалари билан тўлдириш таклиф этилмоқда. Мазкур норма билан давлатимизда инсон қадри ва шаъни устуворлиги, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари нафақат Конституция кафолатланмоқда. Бу кўп миллатли халқимизнинг тенг ҳуқуқлилигини, асосийси, шу жамият, давлат ва Ватан олдида бир хилда қадрли эканлигини англатади.

Асосий қонунга киритилаётган ўзгартиришларда давлатнинг фуқароларни ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатиш принциплари, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмаслиги ҳам таклиф этилмоқда.

Конституциявий ислоҳотлар нафақат кучли қонунчиликни шакллантириш, балки ижтимоий мувозанатни сақлаш, халқимизнинг тинч ва осойишта яшашини таъминлашга хизмат қилади.

**Жасур ВОҲИДОВ,
ҳарбий хизматчи.**

# Помидор "дарахт"и йилига 1,5 тонна ҳосил беради(ми?)

**Дарахт помидор ҳақида эшитганмисиз? "Спрут F1" навли помидор кўчатини Булунғур тумани Гулзор маҳалласида яшовчи деҳқон Шерали Холдоров парваришлаб келяпти. Дарахтнинг узунлиги 15 метргача етиб, 8–9 йиллик бўлганида йилига 1,5 тоннагача ҳосил берар экан.**





- Иссиқхоначилик билан шуғулланишни бошлаганимга 6 йил бўлди, - дейди у. – Америка, Голландия, Россия ва бошқа давлатлардан буюртма асосида келтирилган 30 турдаги помидор кўчатларини парваришлаяпман. Улар орасида сариқ, кўринишидан лимонга ўхшаш, кивининг таъмини берадиган помидор ҳам бор. Шунингдек, қора ва бинафша рангли помидорларни ҳам етиштирганман. Иссиқхонамда пишиб етилган бодринглар ҳам ноёб. Баъзилар бор, ёнғоқнинг "шиғир-шиғир"ига қизиқади, баъзилар эса, каптарнинг қанот қоқишига, айримлар бедананинг сайрашини хуш кўради. Мен эса помидор ва бодринг "жинни"симан. Ижтимоий тармоқлар орқали дунёнинг қайсидир бурчагида янги нав ҳақида хабар топсам, албатта, буюртма беришга ошиқаман.

Шерали аканинг иссиқхонасида парваришланаётган экинлар фақат маҳаллий ўғит билан озиқланади. Уларни турли зарарли ҳашаротлардан ҳимоя қилишда ҳам кимёвий воситалардан фойдаланилмайди. Тунда келадиган ҳашаротларга Шерали ака қўлбола "қопқон" ясаб қўйган. Совун кўпиги аралаштирилган сув билан тўла лаган яқинига кечаси электр лампасини ёқиб қўяркан. Шунда ҳашаротлар ўзларини ёруғликка уриб, сувга тушиб, нобуд бўлади.

Шерали ака дастлаб икки сотихли қўлбола иссиқхонада деҳқончилик қила бошлаган. Замонавий иссиқхона қуришга маблағи етмаган. Ёрдам сўраб туман ва вилоят ҳокимлигига мурожаат қилгач, мутасаддилар унинг ишини ўрганган ва субсидия асосида икки сотихли иссиқхона қуриб берилган.

Иккинчи иссиқхонада ҳам турли навдаги мева-сабзавот ва полиз экинлари етиштириляпти. Уларнинг барчасини уруғи хориждан келтирилган, синовдан ўтказиляпти. Натижа яхши бўлса, уларни кўпайтириш режалаштирилган.

- Иссиқхоналаримдан бирида фақат тропик мевалар етиштиришни ният қилганман, - дейди Ш.Холдоров. – Бугунги кунда банан, папайя ва ананас каби цитрус мева дарахтларини синов тариқасида парваришлаяпман. Аслида папайянинг бўйи 4-5 метр бўлади. Мендагасининг нави бошқача, яъни иссиқхонамизга мос пакана бўйли. Ўтган йили экилган кўчатнинг бўйи шу йил нишона кўрсатди.

Ш.Холдоров иссиқхонада ток кўчатларини ҳам парваришламоқда. Мақсади – қиш кунларида ҳам узумни шохидан узиб, дастурхонга тортиш.

**Тўлқин СИДДИҚОВ,
Сулаймон МАРДИЕВ.**

**Мактабларда дарслар тугаб, ёзги таътил бошлангач, ўқитувчилар ҳам таътилга чиқади. Йил давомида чарчаган асабларга дам бериш, янги ўқув йилига кўтаринки кайфият, янада ғайрат билан ишга келиш учун сиҳатгоҳларга бориб, дам олиш керак. Хўш, устоз–мураббийлар бундай масканларда мазмунли ҳордиқ чиқаряптими? Саволга жавобни "Устоз" сиҳатгоҳидан изладик.**




# "УСТОЗ" СИҲАТГОҲИДА КИМЛАР ДАМ ОЛАДИ?

Бу муассаса Оқдарё туманида жойлашган бўлиб, 1982 йилда колхозчиларнинг дам олиш сиҳатгоҳи сифатида қурилган. Кейинчалик бир муддат иш фаолиятини тўхтатиб, ташландиқ жойга айланган.

- Сиҳатгоҳ Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2002 йилда ташкил этилган, - дейди сиҳатгоҳ директори Ҳабибулло Қаршиев.

21 гектар майдонни эгаллаган муассаса ҳудудида серсоя чинор дарахтлари экилган. Кираверишда катта кўл мавжуд. Сиҳатгоҳ ҳовлисига қатор экилган ток дарахти узун йўлакнинг икки томонидан кўтариб қўйилган. Ёзда ҳовлига тангадек офтоб тушмайди. Арча дарахтларидан келаётган ифор ўзгача тароват бериб турибди.



- Санаторий 180 ўринли, - дейди бош ҳаким Жалол Исмоилов. – Бизда ўттиздан ортиқ даволаниш муолажалари мавжуд. Нинатерапия, озонотерапия, электрофорез, лазер терапия, массаж, балчиқ, парафин сингари даволаш турларидан фойдаланамиз. Баъзи тиббий аппаратларимиз 3-4 хил вазифани бажаради.

- Бу ерга ўқитувчиларнинг яқин қариндошлари ҳам келиши мумкин, - дейди Ҳ.Қаршиев. – 10 кунлик даволаш курсимиз 1 миллион 500 минг сўм бўлиб, ўқитувчи 800 минг сўмини тўлайди. Қолгани вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги "Маърифатпарварлар" жамияти томонидан тўлаб берилади. Ўтган йили Халқ таълими вазири келганида, "Республикамизда битта ўқитувчилар сиҳатгоҳи бор экан. Бошқа вилоятларда ҳам шундай сиҳатгоҳлар ташкил этишимиз керак", деганди.

### "НАФАҚАГА ЧИҚҚУНИМЧА СИҲАТГОҲГА КЕЛМАГАНМАН"

Сиҳатгоҳда асосан, кекса ёшдаги отахон, онахонлар, нафақага чиққан ўқитувчилар даволаняпти. Ўқитувчилар ёзги таътилни ҳам ўз оиласига бағишлайди, йил бўйи болаларга дарс бериб чарчаган бўлса-да, ҳадеганда дам олишни ўйламайди.

- Оқдарёдаги 1-умумий ўрта таълим мактабида она тили ва адабиёт фанидан дарс берганман. Ўзим шу туманда истиқомат қилсам ҳам, нафақага чиққунимча сиҳатгоҳга келмаганман, - дейди Зулхумор Облоқулова. – Мана, энди фарзандларимни уйли-жойли қилиб, шу ерда дам оляпман. Келганимга тўрт кун бўлди, ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман. Даволаш курслари яхши. Кечқурун санъаткорлар келиб, концерт бериб кетади.

- Нарпай тумани 9-умумий ўрта таълим мактабида рус тили фанидан дарс бераман, - дейди Эшназар Адизов. – Ёшим 67 да. Шу пайтгача сиҳатгоҳга келиб, даволанмаганман. Бу ерда даволанишни бошлаганимдан кейин аввалдан келсам бўларкан, дедим. Аслида ўқитувчилар ҳар йили даволаниб туриши керак.

- Паст Дарғом туманидаги "Баркамол авлод" болалар мактабида директор ўринбосари бўлиб ишлайман, - дейди Турдимурод Ҳаққулов. – 69 ёшдаман, 2013 йилдан бери ушбу сиҳатгоҳга келиб, ҳордиқ чиқараман. Бу ерда ўқитувчилар учун ҳамма шароит мавжуд.

- Пайариқ туманидаги 96-умумий ўрта таълим мактабида директор бўлганман, - дейди Тамара Амирова. – Шу пайтгача ўзимнинг номимдан олти марта қайнонамни сиҳатгоҳга юборганман. Энди ўзим нафақага чиқиб, фарзандларни ўқитиб, оилали қилиб, даволаниш учун келяпман. Тўғриси, шунча йил уй-жой, бола-чақа ташвишидан ортмадим.

**Х.ЭРНАЗАРОВА.**

# Олиб қўйилган ер участкаларига компенсация бериш қонун билан тартибга солинди

**2022 йил 29 июнь куни Ўзбекистон Республикасининг “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.**

Унда жисмоний ва юридик шахсларга эгалик қилиш, доимий фойдаланиш ёки вақтинчалик фойдаланиш ҳуқуқи билан тегишли бўлган ер участкаси ёки унинг бир қисми жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши ҳамда ушбу ер участкаси, унда жойлашган кўчмас мулк объектларининг ҳуқуқ эгаларига компенсация бериш тартиб-таомиллари белгиланди.

Қонунда ер участкаларининг компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилишига асос бўладиган қуйидаги ҳолатлар кўрсатилган:

- мудофаа ва давлат хавфсизлиги, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эҳтиёжлари, эркин иқтисодий зоналарни, эркин савдо зоналарини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун ерлар бериш;
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш;
- фойдали қазилмалар конларини қидириш ва қазиб олиш (бундан кенг тарқалган фойдали қазилмалар конлари мустасно);
- республика аҳамиятига ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль ва темир йўлларни, аэропортларни, аэродромларни, аэронавигация объектларини ҳамда авиатехника марказларини, темир йўл транспорти объектларини, кўприклар, метрополитенлар, туннелларни, энергетика ва алоқа тизимининг муҳандислик объектлари ҳамда тармоқларини, космик фаолият объектларини, магистраль қувурларни, муҳандислик-коммуникация тармоқларини, ирригация ва мелиорация тизимларини қуриш (реконструкция қилиш) учун ер участкалари олиб қўйилиши мумкин.

Шунингдек, қонунда ер участкаларининг ҳар қандай бошқа мақсадларда олиб қўйилишини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш сифатида талқин этиш қатъиян тақиқланди.

Бузилишга тушган ҳудудда жойлашган ерга бўлган ҳуқуқ мавжуд бўлмай туриб, ўн беш йил давомида кўчмас мулкка ҳалол, ошкора ва узлуксиз эгалик қилиб келган шахсларга ҳам ушбу кўчмас мулк объекти учун солиқлар тўлаб келингани тасдиқланган тақдирда, мазкур кўчмас мулк объекти қийматининг ўрни қопланиши кўзда тутилган.

Қонунга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар ҳузурида компенсация комиссиялари тузилади ва улар комиссиялар компенсациялар ўз вақтида тўлиқ ҳажмда берилиши устидан мунтазам мониторинг ва берилган компенсацияларнинг ҳисоби юритилишини таъминлашда асосий роль ўйнайди. Яъни, компенсациялар ўз вақтида ва тўлиқ берилмаган ҳолатларда тегишинча маҳаллий Кенгашларга ахборот киритиш ваколатлари ҳам мавжуд.

Қонунда олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектини бузиш тўғрисида қарор қабул қилиш тартиби ҳам аниқ кўрсатилган бўлиб, олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларини бузиш ҳақидаги қарор Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгашлар депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат бўлган кўпчилик овози билан қабул қилиниши белгиланган.

Жамоат эҳтиёжларига олиб қўйиладиган ер учун бериладиган компенсация турлари ва манбалари аниқ қилиб кўрсатилган, бериладиган компенсация турлари, турар жойларни ва яшаш учун мўлжалланмаган жойларни вақтинчалик ижарага олиш учун пул маблағлари, бошқа кўчмас мулк объектини мулк қилиб беришдан иборатлиги ҳам ўз аксини топган.

Булардан ташқари, қонун билан битта маҳалла ёки кўчада яшовчи ҳуқуқ эгалари ва уларнинг оила аъзолари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ҳуқуқ эгаларининг хоҳишига кўра, уларга битта маҳалла ёки кўчада жойлашган янги уйлар (битта кўп квартирали уйдаги квартиралар) берилиши белгиланмоқда.

Булар жамоат эҳтиёжлари учун компенсация эвазига ер участкаларини олиб қўйиш масалалари тўғридан-тўғри амал қиладиган яхлит қонун билан тартибга солинишига, низоли вазиятларнинг олди олиниши ва мулк эгаларининг ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилади.

**Баҳодир ҚАРШИЕВ,**
**вилоят ҳокимлиги юридик хизмати бош юрисконсульти.**

REKLAMA, E’LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e‘lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

**Самарқанд шаҳрида фаолият юритаётган “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети 2022-2023 ўқув йили учун қуйидаги йўналишлар бўйича профессор-ўқитувчилар лавозимига юқори малакали мутахассисларни**

## ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:




***- туризм;***
***- логистика;***
***- туризм ҳуқуқи;***
***- статистика;***
***- бухгалтерия;***
***- меҳмонхона бошқаруви;***
***- инсон ресурсларини бошқариш;***
***- тадбирларни бошқариш;***
***- иқтисод;***
***- менежмент;***
***- маркетинг;***
***- Хорижий тиллар (немис, француз, испан, корейс, рус, хитой, араб, инглиз, турк тиллари);***
***- ижтимоий фанлар***
***- IT фанлари.***

**Номзодларга қўйиладиган талаблар:**

*- PhD ёки DSc илмий даражаси (агар мавжуд бўлса);*

*- Ўзбекистон Республикаси Президенти администрациясининг 2022 йил 29 майдаги 02-1415-сонли хати талабларига мувофиқ, инглиз тилини (хорижий тил ўқитувчилари учун тегишли хорижий тилни) билиш даражасини тасдиқловчи С1 даражасига тенглаштирилган халқаро ёки миллий сертификатга эга бўлиш (хорижда таълим олган ёки дарс берган мутахассисларга тил билиш сертификати шарт эмас);*

*- нашр этилган илмий ва ўқув-услубий ишлар рўйхати;*

*- шахсан номзод томонидан инглиз, ўзбек ва рус тилларида тузилган меҳнат самарадорлиги кўрсаткичи – KPI ёки CV;*

*- мутахассислик фанларидан инглиз тилида (хорижий тиллар учун тегишли хорижий тилда) ўтилган дарснинг 20 дақиқалик видеотасвири;*

*- таълим соҳасида энг камида 2 йиллик тажрибага эга бўлиш;*

*- компьютер ва электрон қурилмалардан эркин фойдалана олиш.*

**“Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети ишга қабул қилинган профессор-ўқитувчиларни қуйидаги имкониятлар билан таъминлайди:**

*- барқарор маош (ойлик устама ҳақи билан);*

*- истиқболли карьерани назарда тутган қизиқарли меҳнат фаолияти;*

*- хориж давлатларига хизмат сафари.*

**Иш тартиби:** душанбадан жумага қадар (соат 09:00 дан 18:00 гача).

**Танловда иштирок этмоқчи бўлган талабгорлардан қуйидаги ҳужжатлар йиғма жилдини info@univ-silkroad.uz ва j.eltazarov@univ-silkroad.uz электрон манзилига юбориши сўралади:**

*- PhD ёки DSc дипломи (агар мавжуд бўлса);*

*- инглиз тилини (хорижий тил ўқитувчилари учун тегишли хорижий тилни) билиш даражасини тасдиқловчи С1 даражасига тенглаштирилган халқаро ёки миллий сертификат;*

*- нашр этилган илмий ва ўқув-услубий ишлар рўйхати;*

*- шахсан номзод томонидан инглиз, ўзбек ва рус тилларида тузилган меҳнат самарадорлиги кўрсаткичи – KPI ёки CV;*

*- мутахассислик фанларидан инглиз тилида (хорижий тиллар учун тегишли хорижий тилда) ўтилган дарснинг 20 дақиқалик видеотасвири;*

*- дипломлар (бакалавр, магистр PhD ёки DSc) ва диплом иловаларидан нусха;*

*- малака оширганлиги тўғрисидаги сертификат нусхалари (охирги 5 йиллик).*

**Ҳужжатларни қабул қилишнинг охирги муддати:**
**2022 йил 5 август.**
**Мурожаат учун телефонлар:**
**+99866-240-67-73, +99866-240-67-68.**

## ҒАЛЛА ЕТИШТИРУВЧИ ХЎЖАЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Вилоят туманларида 2022 йилда уруғлик ғалла етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун туман ҳокимликлари томонидан ихтисослаштирилган ҳудудларда танлов асосида узоқ муддатга уруғчилик хўжаликлари ўртасида танлов ўтказилади.**

**Танлов комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

*1. Фермер хўжалиги раҳбари номидан ариза;*
*2. Фермер хўжалиги раҳбари номидан тилхат;*
*3. Туман қишлоқ хўжалиги бўлимининг маълумотномаси;*
*4. Фермер хўжалиги, унинг раҳбари ва ишчи ходимлари тўғрисида маълумотнома;*
*5. Ирригация тизими бошқармаси маълумотномаси;*
*6. Вилоят ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармасининг туман бўлимлари томонидан берилган маълумотнома;*
*7. Фермер хўжалиги раҳбарининг мутахассислиги ва маълумоти тўғрисида ҳужжат (диплом) нусхаси;*
*8. Фермер хўжалиги раҳбарининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги иш стажини тасдиқловчи ҳужжатлар (меҳнат дафтарчаси ва бошқа ҳужжатлар);*
*9. Фермер хўжалигида ишлаётган уруғчи-ҳосилотнинг маълумоти тўғрисидаги ҳужжати (диплом нусхаси ва меҳнат дафтарчаси);*
*10. Мажбуриятдан озод пул маблағи тўғрисида тегишли банк томонидан берилган маълумотнома;*
*11. Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг туман бўлими бошлиғи томонидан берилган маълумотнома ҳамда техпаспорт нусхаси;*
*12. Сўнгги уч йил ичидаги ғалла контрактация шартномасининг бажарилиши бўйича дон корхоналари ёки ғаллачилик кластери томонидан берилган маълумотнома.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилигини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-106-сонли қарорининг 7-бандида ихтисослаштирилган ҳудудларда танлов асосида узоқ муддатга уруғчилик хўжаликларини танлаш белгиланган. Шундан келиб чиқиб, вилоят туманларида ҳар бир уруғчиликка ихтисослаштирилган ҳудудлардан чиқмаган ҳолда, 5 йил муддатга уруғлик дон етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарини танлаб олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 октябрдаги 641-сонли қарори билан тасдиқланган низомга асосан, талабгорлар 2022 йилнинг 5 августигача туман қишлоқ хўжалиги бўлимига ҳужжатларини икки нусхада тақдим этишлари лозим.

**Қўшимча маълумотларни “Уруғчиликни ривожлантириш маркази” ДК Самарқанд вилояти бошқармасидан олишингиз мумкин.**
**Мурожаат учун телефонлар: +99893-330-01-07, +99866-234-07-66, +99890-601-01-55.**

**БОШҚАРМА МАЪМУРИЯТИ.**

## ТАНЛОВДА ҚАТНАШИНГ!

**Самарқанд давлат университетининг Каттақўрғон филиали 2022-2023 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқитувчиларни танлов асосида ишга қабул қилади:**

**Ахборот технологиялари кафедраси бўйича:**

*- биология фани ўқитувчиси – 550 соат;*
*- кимё фани ўқитувчиси – 446 соат;*
*- физика фани ўқитувчиси – 446 соат;*
*- математика фани ўқитувчиси – 1478 соат.*

**Гуманитар фанлар кафедраси бўйича:**

*- рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси – 1559 соат;*
*- француз тили ўқитувчиси – 270 соат;*
*- немис тили ўқитувчиси – 600 соат;*
*- инглиз тили ўқитувчиси – 3044 соат;*
*- ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси – 2734 соат.*

**Мактабгача таълим ва педагогика кафедраси бўйича:**

*- технологик таълим фани ўқитувчиси – 234 соат;*
*- педагогика фани ўқитувчиси – 1346 соат;*
*- психология фани ўқитувчиси – 468 соат;*
*- мусиқа таълими фани ўқитувчиси – 362 соат;*
*- спорт фаолияти (кураш) бўйича – 604 соат.*

Бизнесни бошқариш кафедраси бўйича:

*- иқтисодиёт фани ўқитувчиси – 2493 соат;*
*- ижтимоий иш фанлари ўқитувчиси – 1614 соат.*

Номзодлар керакли ҳужжатлар билан **2022 йил 25 июль** кунига қадар Самарқанд давлат университетининг Каттақўрғон филиалига мурожаат этишлари сўралади.

**Манзил: Каттақўрғон шаҳри Амир Темур кўчаси, 27-уй.**
**Телефонлар: +99897-422-34-40, +99897-915-38-30.**

**ФИЛИАЛ МАЪМУРИЯТИ.**

### ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Паст Дарғом туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳакимова Игора Ҳикматовна нотариал идорасида марҳум Ибраимова Татьяна Ивановнага (2022 йил 5 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳакимова Игора Ҳикматовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Паст Дарғом тумани Жума шаҳарчаси, Нодирабегим кўчаси.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Ҳамитов Мўсинга (2010 йил 10 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Норқулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасида марҳум Журакулов Абдужалил Дадамурадовичга (2020 йил 16 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Норқулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасида марҳум Тухтаев Анвар Меликузиевичга (2014 йил 13 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.**

* * *

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Муҳаммадиев Фарҳод Жўрақулович нотариал идорасида марҳум Тошбеков Холиқга (2016 йил 20 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Муҳаммадиев Фарҳод Жўрақулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 76-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасида марҳум Хазраткулов Ибрагимга (2020 йил 18 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.**

* * *

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Шаров Константин Борисовичга (2017 йил 25 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Кадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасида марҳум Хакимов Тошга (2021 йил 5 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Кадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Фирдавсий кўчаси, 96-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Гулямов Имомга (2003 йил 22 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Кадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасида марҳум Раҳимов Боҳодир Боқиевичга (2021 йил 10 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Кадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Фирдавсий кўчаси, 96-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Садыков Эргаш Садыковичга (2011 йил 28 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Ражабов Мустафоқулга (2019 йил 21 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Кадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасида марҳум Ражабов Мустафоқулга (2019 йил 21 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Кадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Фирдавсий кўчаси, 96-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нарзуллаева Лола Шукуруллаевна нотариал идорасида марҳум Тиляева Зулфия Хайдаровнага (2021 йил 12 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нарзуллаева Лола Шукуруллаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Нодирабегим кўчаси, 5/1-уй.**

* * *

## РАҲМАТ СИЗЛАРГА, ШИФОКОРЛАР!

*Инсон ҳаёти, саломатлиги ҳамма нарсадан азиз. Ўз касбининг фидойи инсонлари бор экан, халқимиз соғ-саломатдир. Мен Самарқанд давлат тиббиёт университети клиникаси асаб касалликлари бўлимида даволаниб, бунга гувоҳ бўлдим. Ўзининг ширин сўзи, муолажалари билан беморлар дардига даво бўлаётган шифохона бош врачи ўринбосари Камол Саидмуродов, асаб касалликлари бўлим бошлиғи Арслон Қосимов, бўлим бекаси Азиза Ҳамдамова, ҳамширалар М.Файзуллаева, З.Асророва, Д.Тошпўлатова, Н.Каримова ва бошқа ходимларнинг хизматлари учун миннатдорчилик билдираман. Мустаҳкам соғлиқ ва барака сизни асло тарк этмасин.*

**Бир гуруҳ даволанувчилар номидан**
**Гафар БЕКМУРОДОВ.**

### БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Самарқанд педагогика ва хизмат кўрсатиш коллежидан 2018 йилда Норматова Мавлуда Умидовна номига берилган рўйхат рақами 908, К № 5123316 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут спорт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежидан 2013 йилда Эшназарова Олтиной Хасан қизи номига берилган К № 2966047 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд вилоят юридик коллежидан 2020 йилда Каримов Тимур Хаётович номига берилган рўйхат рақами 30, К № 5599476 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тошкент молия институтидан 2018 йилда Хайруллаев Даврон Хабибулла ўғли номига берилган рўйхат рақами 772, В № 963854 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд давлат университетидан 2008 йилда Усманова Мадина Тулкиновна номига берилган В № 403731 рақамли дипломнинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Жиззах тиббиёт билим юртидан 2000 йилда Алиева Юлдуз Заировна номига берилган рўйхат рақами 14091, № 020901 рақамли имтиёзли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тойлоқ туманидаги 56-умумий ўрта таълим мактабидан 2007 йилда Каримов Аброр (Анвар) Холмаматович номига берилган U № 1875815 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд тиббиёт билим юртидан 1991 йилда Фазлиддинова Умеда Лутфидиновна номига берилган рўйхат рақами 31857, ПТ-I № 164495 рақамли имтиёзли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.





# 11705-ШАХСИЙ ИШ

## ЖАДИД САИДРИЗО АЛИЗОДА ҲАЁТИГА ОИД ЯНГИ МАЪЛУМОТЛАР

**“Зарафшон” газетаси асосчиларидан, миллий матбуот тамал тошини қўйганлардан бири, маърифатпарвар Саидризо Ализода туғилган куннинг 135 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриляпти. Адибнинг иккита китоби Самарқанд давлат университети олимлари томонидан нашрга тайёрланди. Самарқанд шаҳар ҳокимлиги Саидризо Ализода уй-музейида таъмирлаш ишларини ташкил этди.**





Жадид бобомизнинг набираси Фарҳод Ализода бизга Россия архивларидан қўлга киритган янги ҳужжатларни тақдим этди. Бу ҳужжатлар мазмуни билан Сиз, азиз муштарийларни хабардор қилишга жазм этдик.

### МАШАҚҚАТЛАР ТЎФОНИДА

Аввалига чор Россияси, кейинчалик большевиклар партияси сиёсати, аниқроғи, зуғуми остида озодлик, мустақиллик ҳақида гапириш ҳар кимнинг қўлидан келмасди. Шу сабабли жадидлар бундай курашга аввало, хонлигу амирликлар даврида ўзаро низолар туфайли пароканда бўлган миллатни маърифатга чорлашни тўғри йўл деб ҳисобладилар. Улар Самарқанд ва унинг атрофидаги мавзеларда замонавий илм берадиган мактаблар очишга, бу мактаблар учун алифбо ва дарсликлар ёзишга киришдилар.

Асосий зиёлилар ўзбек тили (ўрта турк шевасида) чиқувчи “Самарқанд” (бу Морозов рус тилида чиқарган “Самарканд” эмас) газетаси таҳририяти атрофида бирлашдилар. Ҳар гал газета ёпилгач, янги номлар билан чиқаверган: “Ҳуррият”, “Меҳнаткашлар товуши”, “Камбағаллар ўқи”, “Зарафшон” ва ҳоказо.

Самарқанд губернаторидан Маҳмудхўжа Беҳбудий “Самарқанд” газетасини ўзбек ва тожик тилида чиқаришга рухсат сўраган. Рухсат берилган, аммо тожик тилидаги газетага обуна уюштириш муаммо бўлган, шу сабабли газета чиқмай қолган. Ана шундай пайтда Саидризо Ализода “Шўълаи инқилоб” журналини таъсис этган. У коммунист-большевиклар партияси вилоят кенгаши органи бўлган. Муаллифнинг 1919 йил 18 ноябрдаги маълумотига кўра, таҳририятда ўша пайтда муҳаррир 1200 рубль, адабий ходим 1100 рубль, мусаҳҳиҳ 1100 ва таржимон, экспедитор, ташувчи 1000 рублдан маош олиб ишлашган. Четдан ахборот берувчиларга 1500 рубль ажратилган.

Дарвоқе, ҳужжатлар орасида коммунист-большевиклар партияси ишчи-батрак мусулмонлар вилоят бўлими котибининг хати ҳам чиқди. Унда котиб “Шўълаи инқилоб” журналини чиқаришга республика раҳбариятидан рухсат сўрайди. 500 нусха обуна уюштиришни ўз гарданига олади. Журналнинг биринчи сонини 21 мартда чиқариш таклифини айтган.

Юқори ташкилот вакили Бородская 1919 йил 4 мартда компартия вилоят қўмитасига ушбуни молиявий қўллашни, журнал сиёсий йўналиши учун обком бўлим мудири масъул эканини таъкидлаб, розилик билдиради.

Бинобарин, Ализода имзоси билан тасдиқланган яна бир хатда Самарқанд уезди раҳбарига форс тилида чоп этилаётган “Шўълаи инқилоб” журнали чоп этилиши тўхтатилгани ва унинг сабаби айтилган:

1. Обуначилар муддати тугагани, янги обуначиларни жалб этувчилар йўқлиги;

2. Литография идораси томонидан муқова учун қизил рангли қоғоз берилмаётгани, берилган сариқ рангли қоғоз мақсадга мувофиқ эмаслиги;

3. Ходимлар йўқлиги туфайли журнални тайёрлаш ва чоп этиш билан боғлиқ барча ишлар фақат муҳаррир зиммасида қолганлиги.

Бу ҳужжат 1919 йилнинг 30 октябрида имзоланган.

Яна иккита ҳужжат диққатимни тортди. 1919 йил 1 июлда Саидризо Ализодага берилган гувоҳномада унинг коммунистлар (большевиклар) партияси Самарқанд уезди, Боғишамол ва эски шаҳар умумий йиғилишлари 2-қарори билан 15 июндан эътиборан Самарқанд вилоят миллий масалалар бўйича бўлими форс бўлинмаси мудири этиб тасдиқлангани айтилган.

Иккинчи мандат 1919 йил 23 августда берилган. Унда Саидризо Алиев (Ализода) коммунистлар (большевиклар) Боғишамол район қўмитаси раиси сифатида вилоят партия қўмитаси конференциясига делегат этиб сайлангани қайд этилган.

Энди ўз-ўзидан савол туғилади: Саидризо Ализода коммунистлар партияси бўлимлари билан бамаслаҳат иш тутган бўлса, улар ишончига эришган бўлса, унда бу жадид нега “давлат душмани” сифатида қатағонга учради?

### СЎРОҚСИЗ, ГУВОҲСИЗ, АСОССИЗ ҚАМОҚ

Бу ҳолатни бошқача изоҳлаб бўлмайди.

Бошқа жадидлар қатори Ализода ҳам ўз фаоллиги билан эл орасида танилиб қолганди. Тожик мактаблари учун алифбо ёзди, луғат тузди. Жаҳон классикларининг кўп асарларини тожик тилига ўгирди. Шунинг учун уни Тожикистон давлат нашриётига ишга таклиф этишди. Айниқса, “Шўълаи инқилоб” журнали қисқа даврда оммалашди. Журнал иложсизликдан, маблағ йўқлигидан ёпилгач, Саидризо Ализода таржима билан шуғулланди, СамДУда дарс берди.

Ижоди гуллаган ана шундай бир пайтда уни 1938 йил 3 февраль куни “антисовет тарғиботи юритгани учун” қамоққа олишади.

“Ўрмонга ўт тушса, ҳўлу қуруқ баробар ёнади” деганлари рост экан. “Шўълаи инқилоб” форс тилида чиққанлиги учун Саидризо Ализода журнални Эрон консули орқали форсийзабон мамлакатларга тарқатган. Мусабий, Мавбарий каби миллатпарварлар мақолаларини чоп этган. Гарчи бу мақолаларда давлат хавфсизлигига таҳдид бўлмаса-да, НКВДнинг гумонига биноан уни қамоққа олишган.

Бир ойдан сўнг уни Самарқанд НКВДси ички турмасига ўтказишган. Сўроғу текширишлардан натижа чиқмагач, ясама айблар қўйишган. 1940 йил 8 декабрда соғлиғи ёмонлашгани сабабли Самарқанд 2-умумий турмасига ўтказишган (Дарвоқе, бу турма ўша пайтда ҳозирги вилоят кўптармоқли шифохонаси жойида бўлган).

Шу ўринда исбот учун бир ҳужжат мазмунини келтираман. Бу – Самарқанд 2-умумий турма бошлиғи томонидан Самарқанд вилояти давлат хавфсизлиги бошлиғи, давлат хавфсизлиги капитани Аслоникашвили (нусхаси вилоят прокурори ўринбосари Аҳмедов)га йўлланган билдирги. Унда таъкидланишича, бу икки ташкилот ташаббуси билан қамалган 8 нафар маҳбус, шулардан бири Саидризо Ализода муддати узайтирилмаган бўлса-да, турмада сақланаётгани айтилган.

Мана сизга инсон тақдирининг қиммати! Мана, сизга коммунистлар тизимининг “қудрат”и!

Ниҳоят, 1942 йил декабрида суд ҳукмисиз уч йил турмада азоб чеккан маҳбус устидан суд эмас, балки СССР Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги алоҳида кенгаш томонидан ҳукм ўқилиб, уни Россиядаги Сол-Илецк турмасига юборишади. Кўп ўтмай, август ойида Тобольск турмасига ўтказишади.

### “УРУШ ТУГАГУНЧА ТУРМАДА САҚЛАНСИН”

Тобольск турмасида 1943 йил 4 февралда Саидризо Ализоданинг жазо муддати тугайди. Сибирь совуқларида ўпкасини олдириб қўйган жадид муҳаррир кун санаб келади. Бироқ НКВД турма раҳбариятига маҳбус антисовет тарғиботи учун қамалганлиги сабабли уни уруш тугагунга қадар турмада ушлаб туришни топширади. Ҳатто СССР НКВДси турмалар бошлиғи катта инспектори Скороходов номидан келган хатда бу ҳолатни маҳбуснинг ўзига тушунтириш кераклиги айтилади.

Шундай бўлди ҳам. 1944 йилнинг ноябрида Саидризо Ализодани Владимир турмасига олиб келишди. Руҳи сўнган, тақдирга тан берган жадид охирги умид билан уйдагиларга хат ёзди. Аммо бу хат манзилига етиб келмади. Уруш тугагандан сўнг ҳам уни қўйиб юборишмади. Ва... 1945 йилнинг 24 декабрида ўпка шамоллашидан вафот этди. 26 декабрда эса уни турма яқинидаги қабристонга тонгда дафн этдилар.

### КЕЧИККАН ОҚЛОВ

Сталин давридаги қатағон жараёни таҳлил қилиниб, танқидга учрагач, миллионлаб айбсиз айбдорлар қатори маърифатпарвар Саидризо Ализода ишига ҳам навбат келди. 1958 йил 16 январда Ўзбекистон ССР Олий суди судлов коллегиясининг ёпиқ мажлисида кўриб чиқилди. Унда республика прокурорининг НКВД алоҳида кенгашининг 1941 йил 16 декабрдаги қарори асоссиз деб топилди.

Хусусан, Саидризо Ализоданинг 1931-1932 йилларда Самарқанд шаҳрида яшовчи эронийлар ўртасида колхозга кирмаслик, солиқ тўламаслик ҳақидаги тарғиботи исботланмаган. Унга таржимон сифатида “Овози тожик” газетасида биринчи май шиорларини беришда “Йўқолсин империализм!” ўрнига “Йўқолсин коминтерн!” деб ёзган, дегани ёлғон бўлиб чиқди. Газетада бу иборалар йўқ экан. Турмада бўлатуриб, қариндошларига антисовет руҳидаги хатлар ёзгани ҳам исботланмади. Судга таклиф этилган гувоҳлар терговчи ёзган гапларни айтмаганлигини, Саидризо оға илмли, ватанпарвар эканини айтишди.

Суд тергов бирёқлама ўтказилгани, айблар исботини топмагани учун НКВД алоҳида кенгаши қарорини бекор қилди ва Саидризо Ализодани айбсиз, деб топди.

Лекин халқ ва Саидризо Ализодани билганлар ўз ҳукмини олдинроқ чиқариб қўйганди. Невараси Фарҳод ака ташаббуси билан Владимир шаҳридаги қабристондан улуғ жадид ҳоки Самарқанддаги Панжоб қабристонига келтирилди. Маърифатпарвар ҳаётини ўрганиш билан боғлиқ бошқа ҳолатлар аввалдан муштарийларга етказилгани боис уларга тўхталиб ўтирмадик.

Эл маърифати, озодлиги йўлида шаҳид кетган олим, таржимон, журналист Саидризо Ализоданинг жойи жаннатдан бўлсин!

**Фармон ТОШЕВ.**

---

**Мулоҳаза**

**Уч-тўрт киши йиғилса, футболнинг муҳокамаси бошланади. Ҳужумда яхши ўйнамадик, ҳимоямиз бўш, ҳакам ноҳақ эди... Миллий терма жамоанинг ўйинлари-ку, майли, аммо баъзан Европа жамоаларига мухлислик ортидан ҳам ёқалашишгача борадиган ашаддий мухлислар қанча?**

# Миллионлар ўйини энди мафкуралар ўйини(ми?)

Миллионлар ўйинига қизиқишим сабаб Европа футболини кузатаман. Яқинда Франция чемпионати доирасида “Пари Сен-Жермен” ва “Монпеле” жамоалари ўртасидаги баҳсни томоша қилдим. Қизиғи, ҳар икки жамоа ноодатий тарзда майдонга камалак рангдаги кийимда чиқди. «Пари Сен-Жермен» жамоасининг етакчи ҳимоячиларидан бири сенегаллик футболчи Идрис Гуйе негадир муҳим бўлган ушбу ўйинда майдонга тушмади. Ўша куни у ҳатто захира ўриндиғида ҳам йўқ эди.

Кейинчалик ушбу баҳс ҳақидаги хабарларда айтилишича, ҳар икки жамоа футболчилари ўйинга гомофобия(ЛГБТдан нафратланувчилар)га қарши кураш куни муносабати билан камалак рангдаги махсус футболкаларда майдонга чиққан экан. Сенегаллик мусулмон ярим ҳимоячи эса бундай тарғибот либосида майдонга тушишни истамаган. Қизиғи, баҳс атрофидаги муҳокамалардан сўнг унинг бу ҳаракати учун француз жамоатчилиги сенегаллик футболчини жазолашни таклиф қилди.

Афсуски, ўзини демократик жамиятнинг маёғи ҳисобловчи айрим мамлакатларда бугун шундай парадокслар юзага чиқяпти. Ҳатто биз беозор деб билган спорт ўйинлари қайсидир томоннинг ғараз сиёсатига, мафкурасига хизмат қила бошлади.

Футболда томошабин ёши чегараланмаган. Уни телевизорда ҳам, трибунадан ҳам ҳар қандай ёшдаги киши томоша қилиши мумкин. Аммо шу беозор кўринган ўйинга бугун ғаразли “ўйин”лар тиқиштиріляпти. Кўпинча жамоа етакчисининг қўлидаги сардорлик боғичи, майдон бурчагидаги байроқлар, реклама ва эълонлар ўрнидаги тарғиботлар киши эътиборини тортади. Албатта, кимгадир оддий ҳолатдек кўриниши мумкин. Аммо бу бир хил рангдаги элементлар шунчалик кўпки, ҳаммаси йиғилса, бутун бир мафкуравий ғоя кўз олдингизда гавдаланади.

Буларнинг бари бугун жамиятимизга таҳдид солаётган жирканч мафкуравий хуружлардан бирини акс эттиради. Минг афсуски, бу хуруж соғлом ақлга эмас, бузуқ қалбга таянади. Яқин-яқингача бу мавзуни тарғиб қилишда ёшлар учун орзудаги киши бўлган машҳур актёрлар, қўшиқчилардан фойдаланишар эди. Бугун футбол барча жабҳаларда оммавийликка эришди. Энди футболчилар ёшларнинг “кумир”и. Футбол юлдузлари майдонда, ҳаётда қандай ҳаракат қилаётган бўлса, улар ҳам шуни такрорлашади. Шу сабаб камалак рангли мафкурачилар ҳам тарғиботни энди футбол майдонларига кўчирди.

Айтишингиз мумкин, бу иллатлар биздан узоқда – Ғарбда-ку. Ҳа. Аммо атрофингизга яхшилаб назар солинг, камалак рангдаги белгилар кўпайиб бораётгандек туюлмаяптими сизга ҳам? Айниқса, болалар билан боғлиқ ўринларда. Ҳечқурса, болажонлар учун ташкил қилинган “Ақлвой” телеканалини бир қур кузатинг. Ундаги белгилар, намойиш этилаётган айрим мультфильмлар қаҳрамонлари қандай кийимлар кияди, нималар ҳақида гапиради?

**Сулаймон МАРДИЕВ.**

---

**Ёнимиздаги одамлар**

# Илм-маърифатга бахшида умр

**Ватанимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида инсонни тарбиялаш, унга замон талабларига мос касбий кўникмаларни ўргатиш ўта мураккаб жараён ҳисобланади. Бундай масъулият таълим, айниқса, олий таълим соҳаси вакиллари зиммасида бугун ҳар қачонгидан ҳам залворли.**

Ёнимизда ҳамнафас ва ҳамфикр бўлиб, ушбу соҳада фидойиларча меҳнат қилиб келаётган зиёлиларимиздан бири, моҳир педагог, филология фанлари номзоди, доцент Сафия Каримовадир.

Сафия Каримова 1962 йил Самарқанд шаҳрининг Сайид маҳалласида таваллуд топган. 1979 йил шаҳардаги 13-ўрта мактабни олтин медаль билан тугатиб, шу йили Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетига ўқишга қабул қилинган. 1985 йил университетни имтиёзли диплом билан тугатиб, аспирантурага ўқишга кирди ва уни муваффақиятли тамомлаган .

Университетда замонанинг пешқадам ва заҳматкаш олимлари Воҳид Абдуллаев, Ботирхон Валихўжаев, Раҳмонқул Орзибеков, Раҳим Муқимов, Нуриддин Шукуров, Саъдулла Мирзаев, Назар Ражабов, Бекмурод Йўлдошев, Исроил Мирзаев, Шавкат Холматов, Суюн Каримовлардан филология илмини ўрганди.

Унинг илмга қизиқиши талабалик йилларидаёқ бошланган. Аспирантлик даврида адабий меросимизни ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган. Истеъдодли олима 1999 йилда нодир қўлёзма манбалардан янги факт ва материаллар топиб, шу асосда улуғ ўзбек шоири ва маърифатпарвари Зокиржон Фурқат лирикасининг жанр хусусиятлари ва анъаналари ҳақида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Сафия Расуловна - кўплаб илмий-бадиий мақола, қўлланма, монография ва рисолалар муаллифи. Бу асарлар ўз вақтида республикамиз илм-фан аҳли ва жамоатчилиги томонидан юқори баҳоланган.

Сафия Каримова ўз услубига эга адабиётшуносдир. Илмий тадқиқотлари ва мақолаларида шоирона кайфият, романтик тасвир, публицистик жиҳатлар илмий мушоҳадалар билан қоришиб кетган. У ўзбек мумтоз адабиёти тарихининг деярли ўрганилмаган томонларига диққат-эътибор қаратади.



Устоз ўқишнинг илғор педагогик технологияларини замон руҳи билан уйғун боғлаган ҳолда талабаларга сабоқ бериб келмоқда. У ёшларга ҳамма соҳада ўрнак, ўзининг таъсирли нутқи орқали ҳар дарсда сўнгги илмий янгиликлар билан талабаларни ўзига жалб қила олади. Айниқса, ғазал ва шеърларни санъаткорона маҳорат билан ёддан айтиб, содда таҳлил қилиб, шеър ёдлашни тарғиб қилади.

У институтда нашр этиладиган, Олий аттестация комиссияси тасарруфида бўлган “Хорижий филология: тил, адабиёт, таълим” журналининг муҳаррири.

Ҳозирда Сафия Каримова “Зебуннисо бегим ижоди ва туркий шеърият муносабати” (поэтик услублар қиёсий таҳлили мисолида) мавзусида докторлик (DSc) диссертациясини ҳимоя қилиш арафасида.

София опа оилада ҳам меҳрибон она, икки нафар ўғли ва келинлари эл-юртга сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда.

Умр йўлининг олтмиш йиллигини нишонлаётган олима Сафия Каримованинг ҳаёти, юксак инсоний фазилатлари ёшлар учун ибрат намунасидир. Устозга янгидан-янги илмий-ижодий муваффақиятлар тилаймиз!

**Илҳомжон ТЎХТАСИНОВ,**
**Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори, профессор.**

---

**ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР**

**19 ИЮЛЬ**

**Дамир САЛИМОВ** – 1937 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Ўзбекистон халқ артисти.

**20 ИЮЛЬ**

**Эркин ҚАЙТАРОВ** – 1958 йилда Пайарик туманида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

**Георгий ЗЛОЦКИЙ** – 1938 йилда туғилган. Педагогика фанлари доктори.

MATBUOT UYI
Zarafshon
Самаркандский вестник

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

*Gazeta O‘zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro‘yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 16 552 nusxada chop etildi. Buyurtma . Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2*

***Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.***

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E’LONLAR: (66) 233-91-56
BO‘LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61
MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug‘ Tursunov ko‘chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo‘limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.
Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: A.SHERXOLOV.
Navbatchi: Y.MARQAYEV.
Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV.

Saytimizga o‘tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X
9 772010 667009

Sotuvda narxi kelishilgan holda